

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.И.106.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАНИЯЗОВ ИСКАНДАР БОҲОДИРОВИЧ

**КОРХОНАЛАРДА ХАРАЖАТЛАР ВА ДАРОМАДЛАРНИНГ
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ҲАМДА ТАҲЛИЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Огловления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Economical sciences**

Жуманиязов Искандар Боходирович

Корхоналарда харажатлар ва даромадларнинг бошқарув ҳисоби ҳамда таҳлилини такомиллаштириш..... 3

Жуманиязов Искандар Боходирович

Совершенствование управленческого учета и анализа доходов и расходов на предприятиях.....28

Jumaniyazov Iskandar Bokhodirovich

Improvement of management accounting and analysis of expenses as well as incomes at enterprises..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....58

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.I.106.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАНИЯЗОВ ИСКАНДАР БОҲОДИРОВИЧ

КОРХОНАЛАРДА ХАРАЖАТЛАР ВА ДАРОМАДЛАРНИНГ
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ ҲАМДА ТАҲЛИЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.Phd41 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва снгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.FerPi.uz) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанов Зият Ниязович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ризаев Нурбек Кадрович
Иқтисодиёт фанлари доктори(DSi), доцент

Абдуллаев Абдурауф
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги ПхД.03/27.02.2020.И.106.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй,

Тел./ факс: (+99873) 2411206 e-mail: FerPi_info_@edu.uz

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (006-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй, Тел.: (+99873) 2411293

Диссертация автореферати 2021 йил «10» декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил «10» декабрь) рақамли реестр баённомаси).



И.Н.Исманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

О.Т.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Д.Кудбиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари иктисодиётини глобаллашуви, трансмилий компанияларни мавжудлиги бухгалтерия ҳисобини МҲҲС асосида такомиллаштириш ва юритишни, ахборотларни ўз вақтида фойдаланувчиларга етказиш ҳамда тижорат сири сақланишини таъминлаш зарурияти эса корхона бухгалтериясини икки қисмга: молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлинишини тақазо этади. Бошқарув ҳисоби харажатлар ва даромадларни бошқариш, уларни ҳисоби ҳамда тахлилини самарали ташкил этиш, корхонанинг келгусида барқарор фаолият юритишини таъминловчи восита сифатида қаралади. Корхона бошқарув қарорларини қабул қилишда харажатларни ҳисоблаш усуллари, олинадиган даромадларнинг шаклланиш манбалари, даромадлар ва уларни вужудга келишига сабаб бўлувчи харажатларни тахлили патижалари алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон бозорида тўқимачилик саноати компаниялари ўртасида кучли рақобатнинг мавжудлиги мазкур соҳа корхоналарида бошқарув ҳисобини оптимал даражада ташкил этишни тақазо этади.

Дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларини 67 фоизини пахта толасидан тайёрланган газламаларташкил этади. «Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича 7-ўринда, экспорти бўйича 8-ўрини»¹ эгаллашига қарамай, дунёда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларини 0,16 фоизигина мамлакат ҳиссасига тўғри келади. «Бугунги кунда Ўзбекистон ип-калавадан тортиб то тайёр маҳсулотгача бўлган кенг турдаги тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Мамлакатда 825 та корхона тўқимачилик маҳсулотларини, 6 минг 750 таси эса тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаради, 950 дан ортиқ корхона эса ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда».² Тўқимачилик саноати корхоналарида пахтани чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, харажатлар ва даромадларни бошқариш мақсадида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 3,2 миллион тонна пахта хом-ашёси етиштирилиб, 1-1,2 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади ва 2025 йилга келиб пахтани тўлиқ қайта ишлаш режалаштирилган. 2019 йил якуни бўйича «тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 1,6 млрд. долларни, жами экспорт улушида 9,1 фоиз»³ни ташкил этди. Бу кўрсаткични 2025 йилга бориб 7 млрд. долларга етказиш режалаштирилган. Бугунги кунда мамлакат тўқимачилик ва тикувчилик саноати юқори суьратларда ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Бу соҳани «саноатдаги улуши 11,4 %ни,

¹<https://www.rbasia.uz/textile-uzbekistan>

²<https://www.gesamtmasche.de/news/usbekistan-aufstrebende-textilnation-in-zentralasien/>. Usbekistan: Aufstrebende Textilnation in Zentralasien "Masche" иктисодий журнали. 07. 2020 й.

³<https://mif.uz/uz/news/uzbekiston-respublikasi-tashi-savdo-faolijatinig-2019-jil-jakunlari>

ЯИМдаги улуши 3 % ни⁴ ташкил этмоқда. Бу сохани ривожлантириш учун сўнгги 20 йил давомида 2,5 млрд. доллар қийматидаги 575 та лойиҳа учун хорижий сармоялар жалб этилди. Бундан 180 таси сўнгги 3 йилда амалга оширилди. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишининг замонавий шакллارини, жумладан «кластер» тизимини жорий этилиши, тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчиларга экспортни рағбатлантириш бўйича мол-мулк солиғидан 2023 йилгача озод этиш ва банк кредити фонизларини Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши каби имтиёزلарни жорий этилиши ҳамда бу соҳада амалга оширилаётган чора тадбирлар мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари мазмун-мақсадида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285 сонли фармони, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453 сонли «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 декабрдаги 374-сонли «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Харажат, даромадларнинг бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш масалалари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, Л.Пачоли, Дж.Э.Доланд, Т.В.Балабонова, М.А.Вахрушина, О.Н.Волкова, Д.Е.Линдсей, С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи, Э.Аткинсон, А.А.Журавлева, А.В.Колесова, В.Э.Керимов, Л.Н.Муратова, В.Ф.Палий, Г.В.Савицкая, Н.А.Харитоновна, Д.Врублевский, С.Ю.Дубинина, Э.Уайлман, Н.И.Чупахина, А.Д.Шеремет ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Д.К.Кудбиев, А.А.Абдуганиев, А.И.Алиқулов, Б.А.Хасанов, А.Х.Пардаев, Р.Д.Дўсмуратов, А.А.Хашимов,

⁴ Давлат статистика қўмитаси маълумоти

А.К.Ибрагимов, И.Н.Исманов, К.Б.Ўрозов, М.К.Пардаев, З.Н.Курбанов, Р.О.Холбеков, Н.Қ.Ризаев, Б.Махсудов, К.Р.Хатамов, М.Б.Калонов, Н.Б.Адусаломова, Х.А.Ортиқовлар томонидан тадқиқ этилган⁵.

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида харажатлар ҳисоби, ишлаб чиқариш ҳисоби ва бошқарув ҳисобини такомиллаштиришнинг умумий жиҳатлари ўз ифодасини топган. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор ҳўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва бошқарув ҳисоби ҳамда таҳлилга қаратилган бўлиб, тўқимачилик саноат корхоналарида харажатлар, даромад, фойдани бошқариш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳамда таҳлилини такомиллаштириш масалалари яхлит тизим сифатида ўрганилмаган. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, мазкур масалалар бўйича тадқиқотлар

⁵Доланд Дж.Э. Macroeconomics.1994.; Линдсей Д.Е. Macroeconomics.1994.; Финшер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. «Экономика» Москва. Дело. 2002.; Аткинсон Э., Банкер Р.Д., Каплан Р.С., Янг М.С. «Управленческий учет и анализ материальных затрат на металлургических предприятиях» Дис.канд. экон. наук. Новосибирск - 2007; Колесова А.В. Методические обеспечение процессного подхода к анализу затрат предприятия. Дис. канд. экон. наук. Сургут -2012; Муратова Л.Н. «Формирование системы контроллинга на промышленном предприятии»: На примере металлургического комбината. Дис.канд. экон. наук 03.00.05 -М.: РГБ, 2005; Волкова О.Н. «Управленческий учет»: учеб.-М.:ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006; Харитонова Н.А. «Управление расходами промышленного предприятия»: На примере черной металлургии. Дис. д-ра экон. наук: 08.00.05, 08.00.12. -М.:РГБ,2006; Врублевский Н.Д. «Управленческий учет издержек производства и себестоимости продукции в отраслях экономики». - М.:Бухгалтерский учет, 2004; Дубинина С.Ю. «Организация учета, контроля затрат на повышение конкурентно способности продукции». Дис.канд. экон. наук, специальность 08.00.12. - Самара: СГЭУ, 2006; Палий В. Ф., Палий В.В. «Управленческий учет - новое прочтение внутрихозяйственного расчета». Бухгалтерский учет, - 2000, №17; Уайлман Э. «Сокращение затрат»: пер.с англ.-М.:Альпина Бизнес Букс, 2009.; Чупахина Н.И. «Методология управленческого учета в агрохолдингах». Автореферат Дис. д-ра экон. наук по специальности 08.00.12. - Бухгалтерский учет, статистика.-М.,МГУ им. Ломоносова М.В. 2010; Леонидович М.С. «Контроль и анализ исполнения бюджетов в системе управленческого учета строительных организаций». Дис. канд. экон. наук.-Тольятти, 2011; Кудряев Д. «Еще раз об учете износа и амортизации основных средств»: Молия ва банк иши электрон илмий журнали б-сон, ноябрь-декабрь, 2019; Абдулганиев А.А. «Қўп укладли иқтисодиёт шaroитида ишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш ва таҳлили». И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. БМА.1998; Алиқуллов А.И. «Пахта толасини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш харажатлари ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш». И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. 2012 й. 39-б.; Хасанов Б.А, Хашимов А.А. «Бошқарув ҳисоби». Дарслик. –Т.: Янги нашр, 2011.; Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. «Boshqaruv hisobi». Дарслик. Т.: «ТАҒАҚҚУР» nashriyoti, 2014. 396 б.; Ибрагимов А.К. «Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини таннархини аниқлашни такомиллаштириш». И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. БМА.Т. 2002; Пардаев М.К. «Иқтисодий таҳлил назарияси». Дарслик. Самарқанд. 2001; Холбеков Р.О. «Донин саклаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубийти». И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2006; Исманов И.Н. «Активлар тушуқчасининг иқтисодий мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг айрим мунозарали жиҳатлари» ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ: 2016; Ўрозов К.Б. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шарoитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. – Т.: Фан, 2005. 236-б.; Махсудов Б.Ю. «Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореферати. – Т.: ТМИ, 2018; К.Р.Хатамов «Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш» И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Т.: 2016 й.136 б.; Калонов М.Б. «Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услубийти». Т.: Akademnashr, 2019. 352 б.; Абдусаломова Н.Б. «Металлургия саноати корхоналарида ички назорат услубиятини такомиллаштириш». «Ўзбекистон статистика ахборотмаси» илмий электрон журнали. 2020 йил, 1-сон.; Ортиқов Х.А. «Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари».-Т.: ЎзР БМА, И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2000й.

старли даражада эмаслиги мазкур мавзуда илмий иш олиб боришни таказо килади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган № ПЗ-20170930136 «Янги инновацион технологияларни жорий этиш асосида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади харажатлар, даромадлар ва фойданинг бошқарув ҳисоби ҳамда таҳлили ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корхоналарда, хусусан тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий асосларини илмий тадқиқ этиш;

тўқимачилик саноати корхоналарида харажатлар, даромадлар ва фойдани бошқарув ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув мақсадидаги ҳисоб сифатини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

тўқимачилик, тикув-трикотаж саноати корхоналарида маҳсулот таннархини аниқлаш мақсадида «Директ костинг» ва «ABC» усулларидан фойдаланиб харажатлар ҳамда даромадларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;

бошқарув таҳлилини назарий жиҳатларини тадқиқ этиш асосида унинг концепциясини асослаш;

даромадлар ва фойдани бошқаришда бошқарув таҳлилидан фойдаланиш услубиётини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув ҳисоби ва таҳлили жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, тўқимачилик, тикув-трикотаж корхоналари бошқарув ҳисоби ва таҳлили жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тизимли ёндошув, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, индукция, дедукция, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш, статистик таҳлил, омилли таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бюджетлаштириш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисоб ва ҳисобот, ички хўжалик бўлинмалари ўртасида трансферт баҳони шакллантириш жараёнлари интеграциялашган бошқарув ҳисоби таклиф этилган;

тўқимачилик саноати корхоналарида маржинал даромадни ҳисоблаш ва ўрнатилган меъёрлардан четланишлар бўйича харажат моддаларини аниқлаш тизими таклиф этилган;

корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича харажатларнинг бир қисми ва умумийлаб чиқариш харажатларини давр харажатларига ўтказиш орқали молиявий натижани шакллантириш асосида рентабелликни 27.7 фоизга ошириш имконияти аниқланган;

тўқимачилик корхоналарида харажатлар, даромадлар ва фойданинг келгусида маҳсулот сотиш ҳажмига ички ресурслар таъсирини башоратлаш имконини берувчи бошқарув таҳлили усули таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бошқарув ҳисоби тизимининг ташкил этишни такомиллашган модели ва ҳисоб сиёсатини бошқарув ҳисоби элементлари асосида шакллантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича берилган тавсиялар асосида тўқимачилик корхоналарида самарали бошқарув ҳисоби тизими ташкил этилган, шунингдек тўқимачилик-трикотаж корхоналарида бошқарув ҳисоби сиёсати ишлаб чиқилган;

харажатларни тегишли маҳсулот турлари бўйича гуруҳлаштириш, ҳар бир маҳсулот бирлиги учун калькуляция тузиш, маржинал даромадни ҳисоблаш ва ўрнатилган меъёрлардан четланишлар бўйича харажат моддаларини аниқлаш имконини берувчи харажатларни ҳисобга олиш тизими бўйича берилган илмий тавсиялар натижасида тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархни пасайишига ва даромад ҳамда фойда ҳажмини орттиришга эришилган;

маҳсулот таннархини замонавий «Директ костинг» ва «ABC» усулларидан фойдаланиб шакллантириш асосида харажатлар ва даромадларни бошқариш механизми бўйича берган тавсиялари асосида тўқимачилик корхоналарида рентабеллик даражаси сезиларли равишда ошган;

корхоналарда харажатлар, даромадлар ва фойда ҳажмини маҳсулот реализациясига нисбатини башоратлаш имконини берувчи бошқарув таҳлили йўналиши юзасидан берилган тавсиялари билан амалга оширилган бошқарув таҳлили натижасида соф фойда ҳамда рентабелликни ошириш бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган илмий ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг бошқарув ҳисоби маълумотларига асосланганлиги, ҳулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф, амалий тавсиялардан

тўқимачилик саноати корхоналари харажатлари ҳамда даромадларини бошқариш, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан тўқимачилик саноати корхоналарида харажатлар, даромадларни бошқариш, уларнинг ҳисоби ҳамда таҳлилин, маҳсулот таннархини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш имкони, харажатларни қисқартириш, таннархни пасайтириш асосида иқтисодий самарани аниқлашда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачилик саноати корхоналарида харажатлар ва даромадларни бошқариш, уларнинг ҳисоби ҳамда таҳлилин такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

бюджетлаштириш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисоб ва ҳисобот, ички хўжалик бўлиналари ўртасида трансферт баҳони шакллантириш жараёнлари интеграциялашган бошқарув ҳисоби бўйича берилган таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси корхоналарида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2019 йил 17 июлдаги 03/14-3085-сон маълумотномаси). Натижада мазкур корхоналарда ҳисоб сиёсати такомиллашган, унда бошқарув ҳисоби элементлари ўз аксини топган ҳамда харажатлар ва даромадларни аниқлаш тартиби осонлашган;

тўқимачилик саноати корхоналарида маржинал даромадни ҳисоблаш ва ўрнатилган меъёрлардан четланишлар бўйича харажат моддаларини аниқлаш тизими бўйича берилган таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси корхоналари амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2019 йил 17 июлдаги 03/14-3085-сон маълумотномаси). Натижада корхоналарда харажатларни бошқарув ҳисоби такомиллашган, ишлаб чиқилган маҳсулотнинг таннархи пасайган, даромад ошган ҳамда корхоналарнинг соф фойдаси кўпайган. Шунингдек таннархни пасайиши ҳисобига 540 млн.сўм миқдорда харажатлар тежалиши таъминланган;

корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича харажатларнинг бир қисми ва умумлашган чиқариш харажатларини давр харажатларига ўтказиш орқали молиявий натижани шакллантириш асосида рентабелликни ошириш бўйича берган таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси корхоналари ҳисоб сиёсатига киритилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2019 йил 17 июлдаги 03/14-3085-сон маълумотномаси). Натижада тўқимачилик саноати корхоналарида умумий рентабеллик кўрсаткичини 23 фоиздан 27,7 фоизгача ошириш имконияти яратилган;

тўқимачилик корхоналарида харажатлар, даромадлар ва фойданинг келгусида маҳсулот сотиш ҳажмига ички ресурслар таъсирини башоратлаш имконини берувчи бошқарув таҳлили бўйича берилган тақлиф «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси корхоналари амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмасининг 2019 йил 17 июлдаги 03/14-3085-сон маълумотномаси). Мазкур услубиёт асосида корхона даромад ва фойда кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида соф фойда ҳамда рентабеллик кўрсаткичлар аниқ ҳисоблаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2та халқаро ва 2та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (жумладан, 4та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини, хусусан тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортини ривожлантириш истиқболлари, бошқарув ҳисоби ва уни ташкил этишнинг илмий назарий масалалари, бошқарув ҳисоби ва таҳлилининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш муаммолари ёритилган ҳамда боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Тўқимачилик саноати Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари - хусусан Буюк Британия, Франция, Италия, Германияда, Ҳиндистон, АҚШ, Туркия, Покистон, Япония, Тайван, Ветнам ва Миср давлатларида ривожланган. Дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларини 67 фоизини пахтадан, 20 фоизини сунъий тоалардан, 10 фоизини жундан, 1.6 фоизини зигирдан, 1.4 фоизини бошқа тоалардан тайёрланган газламалар ташкил этади.

**Тўқимачилик маҳсулотлари(трикотаж маҳсулотларидан ташқари)
экспорти бўйича дунёни 10 та мамлакати кўрсаткичи⁶ (Млрд. Долларда)**


Экспортёр давлатлар	Экспорт ҳажми									
	2015		2016		2017		2018		2019	
	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%	Сумма	%
Хитой	109	42,1	106	41,7	110	41,8	119	42,6	120	44,8
Европа иттиф.	64	24,7	65	25,6	69	26,2	74	26,5	66	24,6
Ҳиндистон	17	6,56	16	6,3	17	6,46	18	6,45	17	6,34
АҚШ	14	5,4	13	5,1	14	5,32	14	5	13	4,85
Туркия	11	4,24	11	4,33	11	4,18	12	4,3	12	4,5
Жан.Корея	11	4,24	10	3,93	10	3,8	10	3,58	9	3,35
Ветнам	-	-	7	2,75	7	2,66	8	2,86	9	3,35
Тайван	10	3,86	9	3,65	9	3,4	9	3,22	9	3,35
Гонконг:	9	3,47	8	3,14	8	3	7	2,5	6	2,23
Ўз экспорти	0	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Резкспорт	9	3,47	-	-	-	-	-	-	-	-
Покистон	8	3,1	9	3,65	8	3	8	2,86	7	2,6
Япония	6	2,31	-	-	-	-	-	-	-	-
Топ 10лик давлатлар жами экспорти	259	100	254	100	263	100	279	100	268	100

Ўзбекистон Республикаси пахта хом-ашёсини етиштиришда дунёда 7-ўринни эгаллашига қарамай, пахтадан тайёрланадиган тайёр, юқори қийматли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда экспорти бўйича жуда паст кўрсаткичларга эга. Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз пахта етиштириш бўйича юқори потенциалга эга бўла туриб, тўқимачилик маҳсулотларини экспорти бўйича топ 10таликка кирмайди.

Шу сабабли мамлакат ҳукумати томонидан пахта толасини чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали енгил саноат тармоғини янада ривожлантириш бўйича тегишли дастурлар ишлаб чиқилган. Жумладан, 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш дастури асосида тўқимачилик саноатида умумий қиймати қарийб 1 миллиард долларга тенг бўлган 77 муҳим лойиҳа амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини 2025 йилгача 1425,9 млн. долларга етказиш, мамлакатда етиштирилаётган пахта хом-ашёсини тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўйиш режалаштирилган.


⁶World Trade Statistical Review маълумоти асосида муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон қарорда 2025 йилга қадар пахтадан тайёрланган тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 7 миллиард АКШ долларига етказиш белгиланган.



1-расм. 2019-2025 йилларда пахта ва пахтадан ташқари тайёр ип-газламалар экспорти динамикаси прогноз кўрсаткичлари.⁷ (млн.доллар)

Мамлакатимизда соҳадаги иқтисодий ислоҳатлар ва киритилаётган инвестицияларнинг самарадорлиги натижасида йилдан йилга ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотларининг миқдори ва уларнинг экспорти ҳажми ортиб бормоқда (2- расм).



2-расм. 2016-2020 йилларда тўқимачилик, тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажми кўрсаткичлари.(минг доллар)⁸

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

⁸«Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тўқимачилик саноати таркибида фаолият юритаётган корхоналар молиявий барқарорлиги, рентабеллиги даражаси, бозорда муносиб ўрин эгаллаши ва бошқа кўрсаткичлар мазкур субъектларда бухгалтерия ҳисобини, хусусан бошқарув ҳисобини тўғри ташкил этилиши ва юритилишига бевосита боғлиқдир. Бошқарув ҳисобини алоҳида жорий этиш зарурияти амалиётда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби тизимининг бошқарувда самарали қарорлар қабул қилиш учун етарли даражада ахборот билан таъминлай олмаслиги юзасидан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисоби бошқарув эҳтиёжи учун зарур ахборотлар етказиб беришга мўлжалланган бўлиши керак. Бошқарув тизими тузилиши ва функцияси бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шаклларига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли бошқарув тизимини такомиллаштириш орқали ҳисобни ташкил қилиш лойҳаларига тегишли ўзгартириш керак.

Шу билан биргаликда ушбу тармоқда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш долзарб масала ҳисобланиб, айниқса ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эгадир.

Бошқарув тизимини тузилиши ва функцияси хўжалик юритувчи субъектлардаги бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шаклларига таъсир қилади. Шу сабабли бошқарув тизимини такомиллаштириш орқали бухгалтерия ҳисобни ташкил қилиш лойҳаларига тегишли ўзгартириш киритиш керак.


Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, бошқарув ҳисоби бу фақат ҳисоб эмас, балки ҳисоб ахборотларига ишлов бериш ва таҳлил қилиш ҳам ҳисобланади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бир гуруҳ олимлар бошқарув ҳисобига жуда тор маънода таъриф беришаётган бўлса, бошқа бир гуруҳ олимлар жуда кенг маънода ёндошмоқдалар. Бунда айримлар бошқарув ҳисобини таркибий қисмига эътибор беришса, бошқалари кўпроқ бажарадиган вазифасидан келиб чиқмоқда.

Тадқиқотларни ўрганиш натижасида бошқарув ҳисобига қуйидагича таъриф берилди: **Бошқарув ҳисоби - харажатлар ва даромадларни режалаштириш, нормалаштириш, ҳисобга олиш ва таҳлил этиш, назорат қилиш ҳамда субъект фаолиятини тезкор бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни тизимлаштириш орқали унинг келгусидаги ривожланиш истикболларини белгилувчи яхлит тизимдир.**

Бошқарув ҳисобининг вазифаси нафақат ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, балки у хўжалик юритувчи субъектни бошқариш учун зарур бўлган ахборотларни етказиб бериш, улар орқали раҳбар ва менежерларга зарур қарорлар қабул қилиш учун амалий ёрдам бериши лозим.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар давомида тўқимачилик саноати корхоналарида бошқарув ҳисоби мақсадидаги ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, тармоқ корхоналаридан ҳисобланган, Андижон вилояти, Жалақудуқ туманида фаолият юритаётган «KURGAN TEX» корхонасида

бюджетлаштириш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисоб ва ҳисобот, ички хўжалик бўлинмалари ўртасида трансферт баҳони шакллантириш жараёнлари интеграциялашган бошқарув ҳисоби таклиф этилди.



3-расм. Тўқимачилик ва тиқув-трикокотаж корхоналарида бухгалтерия хизмати тизимини ташкилий структураси.⁹

Бошқарув ҳисобининг интеграциялашган ҳисоб тизими олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- бухгалтерия ҳисобининг марказлашган тизимини яратиш;
- молиявий, бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш ҳамда уларни ўзаро мувофиқлаштириш;
- тезкор бошқарув ахборотларини олиш учун ҳужжатлар айланишини ташкил этиш;
- ҳисоб тизимини автоматлаштириш;
- бошқарув ахборотларининг махфийлигини таъминлаш;
- самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш имконини берадиган ҳисоботлар тизимини ишлаб чиқиш;
- корхона иқтисодий, ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини бюджетлаштириш ва молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш;
- моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш.

⁹ Муаллиф ишланмаси.

3-расмда кўриб турганимиздек бошқарув ҳисоби билан шуғулланувчи ходимларни алоҳида 2 гуруҳга, яъни жорий бюджетлаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот тайёрловчи гуруҳларига ажратиш лозим бўлади.


Биринчи гуруҳнинг асосий вазифаси икки қисмдан иборат бўлиб, булар:

– ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш;

– бюджетлаштириш ва таҳлил қилиш.

Иккинчи гуруҳ эса иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун бошқарувга маълумотлар етказиб бериш, ҳўжалик шартномалари тузиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни тўғри ҳамда тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш билан шуғулланади.

Ўқоридаги тасниф бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиниши фақатгина унинг асосий вазифаларининг бажарилишига замин яратибгина қолмасдан, балки оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш ва субъектнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, рентабеллигининг ошишига ҳам хизмат қилади. Ушбу вазифаларни бажаришда субъектнинг ҳисоб сиёсатининг тўғри белгиланиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бошқарув ҳисобининг аҳамияти ва бозор иқтисодиёти ривожланишининг йўналишига кўра ҳисоб сиёсатини 3 та гуруҳга ажратиш мумкин. Булар молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқлар ҳисоби гуруҳи. Натижада субъект ҳисоб сиёсатининг гуруҳланиши ва унинг таркибий тузилишини қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин:



4-расм. Бошқарув ҳисобида субъектнинг ҳисоб сиёсати

Ушбу тавсиялар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарида амалиётга жорий қилинган. Натижада корхоналарда ҳисоб сиёсати

такомиллашган, унда бошқарув ҳисоби элементлари ўз аксини топган ҳамда харажатлар ва даромадларни аниқлаш тартиби осонлашган.


Диссертация ишининг «Харажатлар ва даромадларнинг бошқарув ҳисобини такомиллаштириш» деб номланган иккинчи бобида, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг моделларини соҳа хусусиятидан келиб чиқиб қўллаш, даромадларнинг бошқарув ҳисобини такомиллаштириш ва бошқарув ҳисоби бўйича ҳисоботларни шакллантириш масалалари тадқиқ қилинган ҳамда улар бўйича таклифлар берилган.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилиниши ҳисобнинг методологик масалаларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бухгалтерия ҳисобининг алоҳида қисми бўлган бошқарув ҳисобининг методологик масалалари ичида ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва унинг ҳисоби муҳим ҳисобланади.

Харажатлар ҳисобининг асосий мақсади – бу харажатларни бошқариш учун зарур бўлган ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатларини кўп сонли ҳисоб объектлари ва белгиларига кўра аниқлаш ҳамда акс этиришдир. Харажатларнинг бошқарув ҳисобининг мақсади ва иқтисодчи олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда таннарх ҳамда уни аниқлаш масалаларига тўхталиб ўтаемиз.

Жаҳон амалиётида бошқарув ҳисобида таннархни аниқлашнинг бир қанча моделлари мавжуд, жумладан: норматив, Стандарт-кост (Standart costing), Директ-костинг (Direct-Costing), JIT (Just in Time), ABC (Activity-Based Costing), Абсорпшен-костинг (Absorption Costing) ва бошқалар. Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юриштишнинг замонавий шароитида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни корхонанинг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади.

Тадқиқотимиз субъекти бўлган «OSBORN TEXTILE» МЧЖдан олинган малумотлар асосида маҳсулот таннархини аниқлашнинг оддий методи, директ-костинг (Direct-Costing) методи ҳамда ABC (Activity Based Costing) методларидан фойдаланган ҳолда тикувчилик корхонасида таннархни ҳисоблаш методикасини кўриб чиқдик. Ушбу корхонада А ва В маҳсулотлар ишлаб чиқилади, «А» маҳсулотни сотишдан тушум 2808180 сўмни, «В» маҳсулотни сотишдан тушум 1872120 сўмни ташкил қилган, жами тушум эса 4680300 сўм. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ва таннархни тўлиқ калькуляция қилиш методи асосида аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар 3-жадвалда келтирилган. «А» маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари 2158530 сўмни, «В» маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари эса 1535270 сўмни ташкил қилган. Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи «А» маҳсулот бўйича 4317 сўмни, «В» маҳсулот бўйича эса 3071 сўмни ташкил қилган.



**«OSBORN TEXTILE» МЧЖда ишлаб чиқариш таннархини тўлиқ
калькуляция қилиш методи билан аниқлашнинг ҳисоб-китоби¹⁰**
(минг сўм)

Кўрсаткичлар	А маҳсулот	В маҳсулот	жами
Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	500	500	1000
Маҳсулотни сотишдан тушум,сўм	2808180	1872120	4680300
Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	500	500	1000
Бевосита харажатлар, шу жумладан:	1722300	1148200	2870500
- бевосита материал харажатлар;	1276660	752781	2029440
- бевосита меҳнат харажатлари.	445640	395420	841060
Доимий умумишлаб чиқариш харажатлари	164520	145981	310501
Ўзгарувчан билвосита умумишлаб чиқариш харажатлари	271710	241091	512800
Жами харажатлар	2158530	1535270	3693800
Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи	4317,06	3070,54	-
Фойда	649650	336850	986500
Рентабеллик кўрсаткичи (сотишдан тушумга нисбатан) %	23,13	18	21,08

Фойдалилик кўрсаткичи «А» маҳсулот бўйича 649650 сўмни ёки 23,13 фозни, «В» маҳсулот бўйича эса 336850 сўмни ёки 18,00 фозни ташкил қилган. Ушбу маҳсулотлар бўйича умумий рентабеллик кўрсаткичи 21,08 фоз бўлган.

Хозирда директ-костинг тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш тизими ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва қўшимча, доимий ва ўзгарувчан харажатларга аниқ бўлишни ҳамда шу асосда бошқаришнинг стратегик вазибаларини ҳал этишни талаб қилади. «Директ-костинг» тизимининг асосий мақсади корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишдан иборат. Ишлаб чиқариш таннархини «директ-костинг» методи билан аниқлашнинг ҳисоб-китоби 4-жадвалда келтирилган. Бу жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш таннархини «директ-костинг» методи билан ҳисоблаганда «А» маҳсулотнинг таннархи 3988 сўмни, «В» маҳсулот бўйича эса 2779 сўмни ташкил қилган. Маҳсулот таннархини пасайиши эвазига операцион фойда суммаси кўшайган, натижада бу маҳсулотларнинг рентабеллик кўрсаткичи мос равишда 29,00 ва 25,71 фоз бўлган.

¹⁰«OSBORN TEXTILE» МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

«OSBORN TEXTILE» МЧЖда ишлаб чиқариш таннархини «Директ-костинг» методи билан аниқлашнинг ҳисоб-китоби¹¹
(минг сўм)

Кўрсаткичлар	А		жами
	маҳсулот	В	
Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	500	500	1000
Маҳсулотни сотишдан тушум, сўм	2808180	1872120	4680300
Бевосита харажатлар шу жумладан:	1722300	1148200	2 870500
- бевосита материал харажатлар	1276660	752780	2029440
- бевосита меҳнат харажатлари	445640	395420	841060
Ўзгарувчан билвосита умумишлаб чиқариш харажатлари	271710	241090	512800
Жами харажатлар	1 994 010	1 389 290	3 383 300
Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи	3 988,02	2 778,58	-
Операцион фойда	814170	482830	1297000
Допний билвосита умумишлаб чиқариш харажатлари	164520	145980	310500
Рентабеллик кўрсаткичи (сотишдан тушумга нисбатан) %	29	25,79	27,71

Ишлаб чиқариш таннархини «ABC» (Activity-Based Costing) методи билан ҳисоблаганда натижа қуйидагича бўлган (5-жадвал). ABC ҳисоб тизимида (Activity-Based Costing) жавобгарлик марказлари бўйича таннарх ҳисоб-китобини «Директ-костинг» усулидаги каби «доимий (fixed costing) ва ўзгарувчан (variable costing) харажатларга бўлиб ҳисобга олишни, аммо асосий этиборни фаолият турлари ва функционал хизматларга қаратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди».¹²

5-жадвал маълумотларига таянадиган бўлсак, «А» маҳсулотнинг таннархи 4164 сўмни, «В» маҳсулот бўйича эса 3024 сўмни ташкил қилган. Натижада фойда суммаси ҳам рентабеллик кўрсаткичи (26,87 ва 19,24 фоиз) ҳам «Директ-костинг» методига нисбатан пасайган.

«OSBORN TEXTILE» МЧЖда ишлаб чиқариш таннархини «ABC» (Activity-Based Costing) методи билан аниқлашнинг ҳисоб-китоби¹³

Кўрсаткичлар	А		Жами
	маҳсулот	В	
Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	500	500	1000
Маҳсулотни сотишдан тушум	2808180	1872120	4680300
Бевосита харажатлар, шу жумладан:	1722300	1148200	2870500
бевосита меҳнат харажатлари.	445640	395420	841060
бевосита материал харажатлари	1276660	752780	2029440

¹¹ «OSBORN TEXTILE» МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

¹² Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби. дарслик. Тошкент: Yangi nashr, 2011. -77-78 бет.

¹³ «OSBORN TEXTILE» МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган..

Билвосита харажатлар (фаолият турлари бўйича)			
Асбобларни ишлаши (машина-соат)	10100	6300	
Асбобларни ишлашнинг техник таъминоти харажатлари, шу жумладан:	245366	225434	470800
таъмирлаш ишчиларининг иш ҳақи	119747	106253	226000
асбобларнинг амортизацияси	32100	36200	68300
бошқа ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари	93519	82981	176500
Асбоблардан фойдаланиш харажатлари, шу жумладан:	102785	64115	166900
- истеъмол килинган электр энергияси	29807	18593	48400
- асбобларни сақлаш харажатлари	44526	27774	72300
Ёрдамчи ишлаб чиқаришни сақлаш харажатлари	28452	17748	46200
Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва назорат қилиш харажатлари, шу жумладан:	111360	74240	185600
цехни бошқарув ходимлари (АУП)нинг иш ҳақи харажатлари(мастерлар, технологлар)	111360	74240	600
Жами харажатлар	2081811	1511989	3593800
Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи	4163,62	3023,98	-
Операцион фойда	726369	360 131	1086500
Рентабеллик кўрсаткичи (сотишдан тушумга нисбатан) %	26,87	19,24	23,21

Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг амалиётда қўлланинадиган оддий, «Директ-костинг» (Direct-Costing) ва «АБС» (Activity-Based Costing) методлари ёрдамидаги таннарх ҳисоб-китоблари амалга оширилиб, маълумотлар солиштирилиб, таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди:

6–жадвал.

«OSBORN TEXTILE» МЧЖда маҳсулот таннархини аниқлашда қўлланилган методларнинг таққослама таҳлили¹⁴


Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи, сўм.	Тўлиқ таннархни калькуляция қилиш методи	Таннархни «Директ-костинг» методи	Таннархни АБС-методи
А маҳсулот	4 317,06	3 988,02	4 163,62
В маҳсулот	3 070,54	2 778,58	3 023,98
Жами харажатлар	3 693 800	3 383 300	3 593 800
Операцион фойда	986 500	1 297 000	1 086 500
Рентабеллик кўрсаткичи (сотишдан тушумга нисбатан) %.	21,08	27,71	23,21

6-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, таннархни «директ-костинг» ва «АБС» методларини қўллаган ҳолда маҳсулот таннархини ҳисоблаш хўжалик юритувчи субъектлар учун фойдалироқ усуллар бўлиб ҳисобланар экан. Чунки «Директ-костинг» методни қўллаганда умумий рентабеллик кўрсаткичи 27,71 фоизни, «АБС» методи бўйича эса 23,21

¹⁴«OSBORN TEXTILE» МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

фоизни ташкил этмоқда.

Юқоридаги ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда тўқимачилик саноати корхоналари амалиётида маҳсулот таннархини аниқлашда замонавий «Директ-костинг» ва «АБС» методларини қўллаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди.



4-расм. Бошқарув ҳисобида даромадлар қўйи тизими.¹⁵

Бошқарув ҳисобида даромадларни ҳисобини илмий ўрганиш ва уни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун даромадни характерловчи кўрсаткичларни белгилаб олиш зарур. (4-расм)


Биз бошқарув ҳисоби нуқтаи назаридан асосан маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар масаласини ёритишга ҳаракат қиламиз. Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад асосан тайёр маҳсулот таннархи билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ натижасида шаклланади.

